

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ БҮЙИЧА БЎШ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИ ХОДИМЛАР ТАРКИБИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Доцентлар

Даволаш факультетига қарашли УАШ педиатрия кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли патология кафедраси

Катта ўқитувчилар

Даволаш факультетига қарашли факультет ва госпитал терапия, тиббий профилактика факультетининг ички касалликлари ва касб касалликлари кафедраси

ОМХ факультетига қарашли тиллар кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли патология кафедраси

Ассистентлар

ОМХ факультетига қарашли ҳамширалик иши кафедраси

ОМХ факультетига қарашли ижтимоий фанлар кафедраси

Даволаш факультетига қарашли УАШ педиатрия кафедраси

Даволаш факультетига қарашли УАШ акушерлик гинекология кафедраси

Даволаш факультетига қарашли УАШ тайёрлаш ва эндокринология кафедраси

Ҳужжатларни қабул қилиш муддати танлов эълон қилинган кундан бошлаб бир ой муддат ичидаги Тошкент Тиббиёт академияси ректоратининг девонхона бўлимига топширилади. Манзилимиз:

Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уи.

Даволаш факультетига қарашли урология кафедраси

Даволаш факультетига қарашли асаб касалликлари кафедраси

Даволаш факультетига қарашли умумий ва болалар жарроҳлиги кафедраси

Даволаш факультетига қарашли факультет ва госпитал терапия, тиббий профилактика факультетининг ички касалликлари ва касб касалликлари кафедраси

Тиббий профилактика факультетига қарашли тиббий ва биологик кимё кафедраси

Тиббий профилактика факультетига қарашли ҳалқ тиббиёти, реабилитология ва жисмоний тарбия кафедраси

Тиббий профилактика факультетига қарашли жамоат соғлигини сақлаш мактаби

ОМХ факультетига қарашли тиллар кафедраси

ОМХ факультетига қарашли суд тиббиёти кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли юқумли ва болалар юқумли касалликлари кафедраси

Ҳужжатларни қабул қилиш муддати танлов эълон қилинган кундан бошлаб бир ой муддат ичидаги Тошкент Тиббиёт академияси ректоратининг девонхона бўлимига топширилади. Манзилимиз:

Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уи.

MUASSIS:
TOSHKENT
TIBBIYOT
AKADEMIYASI

MUHARRIR
TURDIQUL
BOVOMURATOV

TAHRIR HAYATI:
Q.Nizomov (Bosh muharrir o'rinnbosari),
O.Hazratov, D.Hidayeva, D.Norgulov,
L.Abduqodirova.

Gazeta Pentium-IV
kompyuterida sahifalandi va Toshkent Tibbiyot akademiya RISOGRAFida
400 nusxada chop etildi.
Manzilimiz:
Toshkent shahri, Farobiy
ko'chasi, 2-uy
Nashr uchun ma'sul
Q. Nizomov

Gazeta Toshkent Matbuot va axborot boshqarmasida 2007-yil 15-yanvarda
02-0049 raqam bilan ro'yxatga olingan

Mualliflar fikri tahririyat nuqati nazaridan farqlanishi mumkin.
Maqolalardagi ma'lumotlar uchun mualliflar javobgardi
Gazeta bepul tarqatiladi



ТИББИЙОТНОМА

TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI NASHRI

№12 2014 YIL DEKABR

ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН, ЮРТДОШЛАР!



Азиз юртдошлар, устоз ва талабалар!

Ўтган 2014 йил академиямиз ҳаётида муҳим воқеаларга бой бўлди. Айниқса ўкув жараёнига янги педагогик технологияларнинг жорий этилиши биз кутган натижаларни берди. Илмий тадқиқотлар борасида ҳам аҳамиятга молик силжишларга эришдик. Янгидан-янги ишмий тадқиқотлар ва ихтирочилик ишлари республикамиз жамоатчилиги ётиборини қозонди. Маънаевият ва маърифат, маданият ва спорт соҳасида қилинган ишлар, қўлга киритилган ютуқлар ҳам ўзиға хос салмоққа эга.

Академиямиздан Президент, Ибн Сино ва бошқа номдор стипендиантларнинг кўплаб чиққани ҳам юқорида қайд этилган ютуқларимизнинг самарасидир, десак, асло муболага бўлмайди.

Янги — 2015 йил Юртбошимиз Ислом Каримов ташаббуси билан "КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ ЙИЛИ" деб эълон қилинди. Шундан келиб чиқиб, янги ўйлда академиямиз жамоаси бир қатор хайрли тадбирларни ўтказишни мўлжалламоқда.

Қадрли устозлар, муҳтарам профессор-ўқитувчилар, азиз талабалар! Сизларни яна бир бор кириб келаётган Янги йилингиз билан чин қалбимиздан муборакбод этамиз. Илмий, ижодий, ўқишдаги фаолиятингиз ва интилишларингизда муваффақиятлар тилаймиз. Оилангизга тотувлик, ўзингизга мустаҳкам соглиқ, хонадонингизга файзу барака тилаймиз!

Янги ўйлингиз муборак бўлсин, муҳтарам академиямиз жамоаси, қадрли профессор-ўқитувчилар ва азиз талабалар!

РЕКТОРАТ

2015 йил — Кексаларни
эъзозлаши ўили
ПОКЛИК —
ҚАДРИЯТЛАРИМИЗГА
ХОС ХИСЛАТ

Ҳар қандай жамиятнинг ёши улуг одамларга бўлган ётибори ва ғамхўрлиги унинг маданий даражасини белгилайди.

Ислом КАРИМОВ

Мухтарам Президентимизнинг ташаббуси билан яқинлашиб келаётган 2015 йил юртимизда "Кексаларни эъзозлаш ўили" деб эълон қилинди. Бу таклиф мамлакатимизнинг ҳар бир фуқаросини беҳад кунонтириди. Зоро, кексалар борлиги учун кўнглимиз равшан, хонадонларимиз файли, ишларимиз баракали. Уларнинг дуолари мустажоб бўлиб, озод ва обод юртимиз ҳамиша тинч-осуда. Юртбошимиз шуни яна бир карра эслатган ҳолда ғамхўрлик кўрсатиш, уларни ҳар куни, ҳар лаҳза эъзозлаш ташаббусини ўргата ташлади. Бундай юксак ётибор нуроний отахон ва онахонларимизнинг руҳини кўтарикилик билан биргаликда ёш авлодни маънавий баркамол ва жисмонан соғлом тарзда вояга етказишида муҳим ўрин тутади. Чунки, бунгни ёшлар айнан кексаларнинг ўйтлари, йўл-йўриклини туфайли чинакам ватанпарвар, фидойи ва комил инсонлар бўлиб улгаяди. Шундан келиб чиқсан, кексаларни эъзозлаш келажакни ҳам эъзозлаш дегани ҳамдир. Кексаларимиз хонадонларимиз кўрки, унинг обуси, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган қадриятларимизу анъаналаримиз, бебаҳо меросимизнинг донишманд эгалайдир. Уларнинг ҳар бир сўзи ҳикмат, босиб ўтган йўли — сабоқ.

Шунинг билан бирга, мўътабар қадриятларимизнинг Ватанимиз тараққиётида муносиб ҳиссаси бор. Ҳар бир шахару қишлоғимизда уларнинг меҳнати, фидойилиги, бебаҳо дуолари кудрати — маҳбобатли мактабларда, замонавий иншоотларда, кўркам буғу роғларда, фарзандларимизнинг ширин кулгисида на-моён бўлиб туриди.

Давоми 2-бетда.



Ҳаётнинг ўзи тарози паллаларини
тенглаштириб туради.



Ҳикмат

ПОКЛИК – ҚАДРИЯТЛАРИМIZГА ХОС ХИСЛАТ

(Давоми. Боши 1-бетда.) “Кекса – лар хурматда, ёшлар иззатда” дейди ҳалқимиз. Бу сўзларнинг туб моҳиятига назар ташласангиз, миллатимиздаги багрикенглик, саховат, абадиятга дахлдор ворисий меҳрни кўрасиз. Айтиш жоизки, давлатимиз раҳбари раҳнамолигида биргина якунига етётган йилда кексаларга ва ёшларга кўрсатилаётган эътибор, қўллабкуватлаш, рагбат ҳамда кенг имкониятлар ниҳоятда улкан миёс касб этди.

— Инсон манфаатлари устувор бўлган мамлакат фуқароси эканлигидан фахрланаман, — дейди ҳозирги кунда кексалик гаштини суроётган устозимиз, доцент Назира Султонова. — Негаки, пенсиямиз ҳар йили ошгани ошган, санаторийларда дам оламиз, соғлиғимиздан малакали шифокорлар хабардор.



Чунки эртанги кун янада ажойиб, янада аъло, янада баҳту шодникларга лиммо-лим бўлажак.

Кутбиддин НИЗОМОВ,
“Тиббиётнома” маҳсус
муҳибири.

ХАЛҚИМИZNИНГ МУҚАДДАС ҚЎШИФИ

10 декабрь – Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси қабул қилинган кун

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси қабул қилинганига 22 йил тўлди. Давлатимиз мадҳияси халқимизнинг бош қўшифи сифатида дунё бўйлаб баралла янграқоқда. Бу қўшиқ бизнинг ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаганимиз ва кам бўлмаслигимизнинг ёрқин ифодасидир.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон ҳалқ шоири Абдулла Орипов шеъри, Ўзбекистон ҳалқ артисти, атоқли композитор Мутал Бурхонов мусиқаси асосида яратилган мадҳиямиз кўнглимиздан чукур жой олган. Уни ҳар гап тинглаганимизда вужудимизда сирли ҳаяжон ўйғонади, томирларимизда Ватанга муҳабbat ва садоқат, истиқлолга шуқроналик туйғулари жўш уради.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 1992 йил 10 декабрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида”ги қонунда белгиланганидек, мадҳиямиз давлат суверенитетининг рамзи, унга катта эҳтиром билан қараш ҳар бир юртдошимизнинг ватанпарварлик бурчидир. Ўзбекистон фуқаролари, шунингдек, мамлакатимизда яшаб турган шахслар ҳам мадҳиямизи хурмат қилиши шарт.

Мадҳиямизда тархимиз, миллий айна ва қадриятларимиз, шунингдек, тинчлик, осойишталик, миллатлараро тотувлик ва ҳамжихатлик каби умуминсоний мезонлар тараннум этилган.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида халқимизнинг, Ўзбекистонимизнинг буюқ келажаги учун амалга оширилаётган ҳётбахш испоҳотлар, бунёдкорлик ва яратувчанлик ишлари унинг жарагрот сатрлари замирда мушкассам.

Миллий мадҳиямиз Президентимизнинг турли мамлакатларга расмий ташрифлари чоғида, Ўзбекистонга келган хорижий мамлакатларнинг давлат раҳбарларини кутиб олиш маросимларида, юртимизда ўтаётган умумхалқ байрамларида, йирик ҳалқаро анжуман-

лар, тинчлик ва дўстлик келишувларида, спорт мусобақаларида ва спортчиларимизнинг ҳалқаро мусобақалар шоҳсупасининг энг баланд поғонасига кўтаришганда баралла янграқоқда.

Жамиyatda юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, милли мағкурани шакллантириш, ёш авлодни бой мадданий меросимиз, тарихий анъаналаримиз ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳабbat, миллий истиқтол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашда мадҳиямиз алоҳида ўрин тутади.

— Мадҳиямизни ўқувчиларнинг нафақат ёдлашига, балки унинг ҳар сатридаги гурублаш маънони қалбларига сингдиришга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз, — дейди Зангиота туманидаги 44-умумтълим мактабининг бошлангич синф ўқитувчиси Мехрибон Чориева. — Зеро, юксак ватанпарварлик туйғусини мужассам этган мадҳиямиз ёш авлодни элу юртга муҳабbat, садоқат ва ифтихор руҳида тарбиялашга хизмат қиласди.


Давлат мадҳияси даъваткор қучга эга. У ҳалқ ва миллатни бирлаштириш, инсонларни янги-янги зафарларга ундашда мухим аҳамият касб этади.

... Ҳар тонгни мадҳиямиз садолари билан қарши оламиз. Қалбимида янги кунга, истиқполга ва бугунги тинч-осойишта ҳётимизга шуқроналик, келажакка қатъий ишонч туйғуси жўш уради.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
ЎЗА шарҳловчиси



Тушкунлик – инсоннинг душмани.



Ҳикмат

СПОРТ – САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Статистик маълумотларга қараганда XIX аср адоғида ер юзида бажариладиган ишларнинг 95 фоиз қисми жисмоний куч билан, фақат 5 фоиз қисмигина механизация ва электризация ёрдамида амалга оширилган. XX аср адоғида эса бу кўрсаткич бутунлай тескари тус олди. Оқибатда цивилизациянинг асорати сифатида одамлар кам ҳаракат — гиподинамия касаллигига дучор бўлдилар, бу эса ўз навбатида семириб кетиш, қандли диабет, сурункали қабзиятлар, простатитлар, хафақон каби асосан депрессия бисал кечадиган бир қанча хасталикларга йўл очиб берди.

Сўнгги йилларда тўла ва ўта тўла (семиз) кишиларнинг кўпайиб бораётганлиги жаҳон афкор оммасини ташвишига солаётганлиги бежиз эмас. Депрессияга олиб келувчи асосий ва биринчи сабаб гиподинамия. Сўнгги йилларда информация оқимининг кучайиб кетиши, инсоннинг мўъжазгина онги бунча кўп, баъзан кўп, баъзан ўта зидди-

ятили ахборотларни ҳазм қила олмаслиги оқибатида меъёрнинг издан чиши ҳам тушкунликларга сабаб бўлмоқда.

Телефонда ҳаддан ортиқ кўп гаплашиш, интернет тармокларига кўп ва узоқ уланиш, тобора кўпайиб бораётган шовқин-суронлар исканжасида яшаш ҳам депрессия даражасини кучайтиради. Бекорчилик ва бекорчи ўй-хаёллар ҳам тушкун кайфиятлар пайдо бўлишига олиб келади.

Биз шифокорлар бадантарбия ва спортнинг фаол тарбиботчиси бўлишишимиз лозим. Бундан ташқари ўзимиз ҳам фаол шуғулланишимиз лозим.

Маслаҳатимиз — ҳаракатчан бўлинг, кўпроқ елиб-югуринг, “Югурик даврондир, асли бу даврон”, югурмасангиз, замон шиддатидан, цивилизация одимларидан ортда қолиб кетасиз. Югуриш ва жисмоний меҳнат инсонни кўп балолардан, депрессия дардидан ҳолос қилувчи бехаражат ва самарали воситадир. Ҳар қандай бадантарбия



машғулотлари мунтазам баҳарилса у одатга айланниб, баҳтлилик гормонлари — эндорфинлар синтезининг кучайишига олиб келади.

Ана шу маълумотларни эътиборга олган ҳолда, биз академиямизнинг ташкил этилганлигига ўн йил тўлиши муносабати билан соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш масадиди мини футбол мусобақасини ташкил этдик. Мазкур ўйинлар 30 ноябрдан 21 деқабрча академиямиз стадионида бўлиб ўтади. Мусобақага қадар ходимлари, магистрлар, клиник ординаторлар ва ҳамма қизиқувчиларни ва ишқибозларни таклиф этамиз.

А.Р.БОБОБЕКОВ,
Умумий ва болалар
хирургияси кафедраси
ассистенти, тиббиёт фанлари
номзоди

СОҒЛИГИМИЗ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

Тошкент Тиббиёт академиясида 1 декабрь ОИТСга қарши кураш кунига бағишлиб “ОИВ инфекцияси ва унинг инсониятга солаётган таҳди” мавзусида тадбир ўтказилди. Тадбирда ОИВ инфекцияси, юқиш йўллари, профилактикаси борасида юртимизда амалга оширилаётган испоҳотлар ҳақида гапирилди.

Тадбирда ОИВ инфекцияси, юқиш йўллари, профилактикаси борасида юртимизда амалга оширилаётган испоҳотлар ҳақида гапирилди. Бундан ташқари ОИВ вируси ҳақида, ОИВ ва ОИТС қандай намоён бўлиши, вируснинг қандай қилиб аниқланиши, дастлабки белгилари, юқиш ва юқмаслик йўллари, давоси бор-йўқлиги ҳақида талабалар ўртасида баҳс-мунозаралар, саволжавоблар ўтказилди.

ОИВ/ОИТС — бу глобал умуминсоний эпидемия бўлиб, дунёда тарқалиш қараганда тарихда энг оғир эпидемия бўлишидан далолат беради.

1981 йилда биринчи бўлиб АҚШда ОИТС тўғрисида маълумотлар келтирилган, Лос-Анжелесда, кейинчалик Нью-Йорқда, Бостонда эркак-гомосексуалистлар орасида ОИТС ҳодисалари аниқланган. Кўпгина изланувчилар ОИТС ватани Марказий Африка деб хисоблашади.

Вирус одам биологик суюқликларида сақланиб, лекин керакли концентрацияда спермада, вагинал секретда, қонда ва она сутида сақланади.

ОИВнинг 3 та асосий юқиш йўли аниқланган: жинси (сексуал) йўл; қон орқали (парентерал); онадан болага (вертикал).


ОИВ юққанидан то ОИТС ривожлангунча 10-15 йилга ча вақт ўтиши мумкин.

Касаллик ОИТС босқичига ўтгунга қадар инфицирланган одам ўзини яхши хис килиши, соғлом кўриниши ва ҳатто инфицирланганини гумон қилмаслиги мумкин.

Бугунги кунга келиб ОИВ — инфекцияси диагностикаси учун энг тарқалган усул — иммунофермент анализ усули. Бу қон зардобида ОИВ га қарши антитаналарини аниқлашга асосланган.

Албатта ҳалқимизда соғлигимиз ўз қўлимида деган нақл бекорга айтилмаган. Дарҳақиқат, барчамиз бундай иллатлардан йироқ бўлсак, баҳтли ҳаёт кечирамиз ва бу имконият ҳар биримизнинг ўз қўлимиздадир.

**Абдураҳмон АБДУҒАНИЕВ,
Суръат ҚУРБОНОВ,
ТТА даволаш факультети 703 С гурӯх талабалари.**



Ҳикмат

Қатъиятсиз киши таваккал қилолмайди.



Оила ҳаётнинг абадийлиги, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урфодатларимизни сақладиган, шу билан бирга келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига таъсир кўрсатадиган тарбия ўчиги эканини тан олишимиз зарур”

(И.А.Каримов. Юксак маънавият — енгилмас куч. – Т., “Маънавият”, 2008, 56-бет)

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг алоҳида XIV боби оиласа багишланган бўлиб, унга кўра оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш хуқуқига эгадир. (Конституциянинг 63-моддаси).

Дарҳакиат, оила ҳар бир халқнинг, миллатнинг давомийлигини сақладиган, миллий қадриятларнинг ривожини таъминлайдиган, янги авлодни дунёга келтириб, уни маънавий ва жисмоний баркамол қилиб тарбиялайдиган, жамиятнинг асосий негизи ҳисобланувчи муқаддас масандир. Оила табиатнинг энг гўзал мўъжизаларидан бири бўлиб, у инсонларга хос “табиий-биологик”, иқтисодий, хуқукий, маънавий муносабатларига асосланган ижтимоий бирликидир.

Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда тўғриликка, ҳалопликка, покликка, ватанпарварлик ва инсонпарварлика, эзгуликка ва қўйингки, юксак ахлоқлиликка йўллаш бу тушунчаларнинг моҳияти ва мазмунини ташкил этади.

Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш орқали оилаларнинг мустаҳкам бўлиши, уларнинг тутувлик ва фаронвонлика эришуви у мансуб бўлган ижтимоий тузумнинг иқтисодий, маънавий ривожи, жамиятда амал қилинаётган маънавий-ахлоқий меъёрлар, олиб борилаётган давлат сиёсати мазмунни билан белгиланади. Ёшларни оиласа тайёрлаш масалалари, фарзандлар таълим-тарбиясига бўлган эътибор хозиркуннинг долзарб муаммоларидан бири эканлиги Тошкент

тиббиёт академияси хотин-қизлар кўмитаси бошлангич ташкилоти томонидан талаба-қизларни оиласа тайёрлаш мақсадида “Ёш оила қурувчилар мактаби” ҳамда “Ораста қизлар” тўгаракларининг очилишига туртки бўлди.

Тўгаракларнинг асосий мақсади — талаба-қизлар онгидан оиласа ҳақидаги тўғри тасаввурларни шакллантириш ва уларни оиласа тайёрлаш. Олдимизга қўйган мақсадга эришиш учун эса ёшларни оиласа тайёрлашга оид дастур ишлаб чиқилди ва шу дастур асосида семинар-тренинглар, давра сұхбатлари уюстирилмоқда. Тўгарак ишини ташкиллаштиришда асосан Ўзбекистон Республика

билинг, иложи борича уни асррабайла, унга хиёнат қўлмасликка, вафдор аёл ёки эр бўлишга интилиш керак” — дея уқтирилади.

Ёшларни оиласи ҳаётга тайёрлашда миллий анъаналаримизга риоя қилиш ва уларни сақлаб қолишга ҳаракат қиласиз. Масалан, ахлоқий маданиятнинг энг муҳим элементларидан бири муомала одоби эканлиги уқтирилади ҳамда ўзаро муомала элементлари, яъни қайнона ва қайнотага, турмуш ўртоғига, отона ва фарзандлар, қарияларга, касбдошларга бўладиган муомала одоблари ҳақида гапирилади. Ёшларни оиласи ҳаётга тайёрлаш борасида эр-хотиннинг бурч ва вазифалари муҳим устувор масалалардан бўлиб бўлғуси келин-куёвлар бу борада тушунчага эга бўлишлари ва бунга амал қилишлари зарурлиги ҳақида тушунчалар берилади.

Тўгарак дастуридан кийиниш одоби, меҳмонга бориш ва меҳмон кутиш одоби, оила бюджети ва тежамкорлик масалаларига ҳам катта ургу берилган.

Шу билан бир қаторда дастурда никоҳ тузиш тартиби, никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатлар ҳамда никоҳ шартномаларини тузиш каби ҳолатлар ҳам ўз аксими топган.

Хулоса сифатида шуни айтиш лозимки, юртимизда ёшларни оиласи ҳаётга тайёрлаш, соғлом авлодни шакллантириш, оила манфаатларини ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилиган. Бунинг ёрқин исботи 2014 йилнинг “Соғлом бола йили” деб эълон қилинганлиги, ушбу йилда қабул қилинган давлат дастурда оиласарни согломнаштириш, ёш оила манфаатини ҳимоя қилиш, унда тарбияланайтган фарзандларнинг соғлом, ҳар жиҳатдан баркамол бўлиб етишишларига оид энг муҳим вазифалар белгилаб берилган.

Шу боисдан ҳам биз ўз тўгарак ишларимизда айнан ёшларни оиласи ҳаётга тайёрлашда қизларнинг соғлом камолга етишига алоҳида эътибор қаратиш лозим эканлигига ургу бердик.

Зоро, соғлом онадан соғлом фарзанд түғилади.

2014 йил — “Соғлом бола йили” ЁШЛАРНИ ОИЛАВИЙ ҲАЁТГА ТАЙЁРЛАШ

каси Конституцияси, Оила кодекси, шарқ мутафаккирларининг ёшларни оиласа тайёрлашга оид қарашлари, Президентимизнинг ёшларнинг таълим-тарбиясига оид рисолапари, фармон ва қарорлари оила ва уни мустаҳкамлашга доир давлатимиз томонидан чиқарилган ҳужжатлар, давлат дастурлари, Ўзбекистон хотин-қизлар кенгashi томонидан тақдим этилган қатор дастурларидан фойдаланилмоқда.

Ушбу тўгарак ишларини олиб бориша энг аввало талаба ёшларга оила муқаддас эканлигини ўргатамиз. Оила куришдан олдин мен оиласи бошқара оламанми? Ота ёки оналиқ вазифасини бажариша тайёрманми? — деган саволларга жавоб бериш керак. Шу саволларга қониқарли жавоб бера олсангиз кейин оила куришингиз мумкин деб таъкидлаймиз. Сұхбатлар давомида: “Ўзланиш ёки турмушга чиқиш бекинмачоқ ўйини эмас, бугун ўйнаб эртага ташлаб кетадиган. Бир умр бирга яшашни кўз олдингизга келтириб, “Етти ўлчаб бир кес” мақолига амал қилиб кейин бир карорга келишининг талаб қилинади. Чукур мулоҳаза, суршишириш, учрашишдан сўнг маъқул кўриб оила курдингизни энди бу оиласи муқаддас

тиббиёт академияси хотин-қизлар кўмитаси бошлангич ташкилоти томонидан талаба-қизларни оиласа тайёрлаш мақсадида “Ёш оила қурувчилар мактаби” ҳамда “Ораста қизлар” тўгаракларининг очилишига туртки бўлди.

Тиббиёт академияси хотин-қизлар кўмитаси бошлангич ташкилоти томонидан талаба-қизларни оиласа тайёрлаш мақсадида “Ёш оила қурувчилар мактаби” ҳамда “Ораста қизлар” тўгаракларининг очилишига туртки бўлди.



номли шеърий китоблари нашр этилган дея таъкидлаб ўтди.

Гулжамол Асқарова йиғилганларга Зулфия ҳаёти ва ижоди тўғрисида тўхталиб шундай деди: таникли ўзбек шоираси Зулфия 1915 йилнинг 1 марта Тошкент шаҳрида туғилган. Меҳнат фаолиятини жуда эрта бошлаган шоира деярли бир умр журналистика ва нашриёт соҳасида ишлади. У 1935-1938 йилларда Тил ва адабиёт институти аспиранти, 1938-1948 йиллар мобайнида Болалар нашриёти муҳаррири, Ўзбекистон давлат нашриёти бўлим мудири, 1953 йилгача “Саодат” журналида бўлим мудири, 1953 йилдан то 1980 йилга қадар, салқам ўттиз йил давомида шу журналинг бош муҳаррири лавозимида ишлаб келди. Машхур ўзбек шоира Ҳамид Олимжоннинг турмуш ўртоғи, ўзига хос шеърияти билан минглаб китобхонлар қалбини ром этгани шоира Зулфия 1997 йилнинг 1 августида вафот этган.

Зулфия асарлари кўплаб чет тилларида нашр этилган. Зулфия Истроилова 1968 йилда Ҳалқаро Жавоҳарлар Неру, 1971 йил “Нилуфар” мукофотлари ҳамда 1970 йилда Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти билан, шунингдек, 1972 йил Болгариянинг “Кирилл ва Мефодий” орденига сазовор бўлган.

Ўзбекистон ҳукумати атоқли шоиранинг маданиятимиз тараққиётидаги катта хизматларини эътиборга олиб “Зулфия” номидаги Давлат мукофотини таъсис этди. Тошкентдаги кўчалардан бирига унинг номи берилган.

Тадбирнинг иккинчи ярмида “Зулфияхоним қизлари”, яъни, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари Дилрабо Норкулова, Мафтuna Норматова ҳамда Ситора Тошматовалар тақлиф этилди. Тадбир ТТА лицей ҳудудидаги мажлислар залида ўтказилди. Кечада иштирок этган 400 га яқин талаба-ёшлар ташриф буюрган меҳмонларни илик қарши олдилар.


Мушоира кечасини кириш сўзи билан ТТА маърифат-маънавият ишларига проректори профессор Т.А. Бобомуротов очиб берди ва бугунги ўтказилаётган тадбир мөхиияти ҳақида сўзлади. Шундан сўнг “Шоира Зулфия ҳаёт фаолияти ва ижоди” билан йиғилган талаба-ёшларни таништириш учун сўз навбатини Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси бош мутахассиси, ахборот хизмати раҳбари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Гулжамол Асқаровага мансуб бўлган янги шеър ва ашъорларидан ўқиб берилган. Шоирага сўз беришдан олдин у ҳақида қисқача маълумот берилди, яъни Гулжамол Асқарова 1978 йил 5 марта куни Самарқанд вилояти, Каттакўрғон тумани, Бешдрагат қишлоғига тугилган. Ўзбекистон Миллий Университетининг журналистика факультетини тамомлаган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, 2001 йилда Зулфия номидаги Давлат мукофотининг адабиёт йўналиши соҳибаси. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси бош мутахассиси ҳамда ахборот хизмати раҳбари сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда. Гулжамол Асқарованинг “Дил фасли”, “Рӯшнолик”, “Бедор кўнғироқ”, “Бахт дарахти”

Саҳифа материалларини ТТА ХҚҚ раиси Л.Қ.АБДУҚОДИРОВА тайёрлайди




Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-2256-сонли қарорини амалга ошириш мақсадида Тошкент Тиббиёт академияси хотин-қизлар кўмитаси ҳамда ТТА маърифат-маънавият бўлими томонидан Ўзбекистон халқ шоира Зулфия таваллудининг 100 йиллигига багишланган “Онагинам — шеърият” му-

ЭЛ АРДОҒИДАГИ ШОИРА



Кўлидан иш келмаган тилига зўр беради.



Бегамлиқдан ортиқ ғам йўқ.

